



ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИНГ МАЪМУРИЙ
ХУҚУҚБУЗАРЛИК ТҮҒРИСИДАГИ ИШЛАРНИ ЙОРИТИШ ФАОЛИЯТИНИ
ТАКОМИЛАШТИРИШНИНГ ДОЛЗАРБЛИГИ

Ўзбекистон республикаси ИИВ Академияси 313-гуруҳ курсанти
Қобилов Мухаммадали Қодиржон ўғли

Аннотация: Уибу битирув илмий мақола маъмурий хуқуқбузарлик түғрисидаги ишларни юритиши фаолиятига бағишиланган. Муаллиф маъмурий хуқуқбузарлик түғрисидаги ишларни юритиши фаолияти бўйича амалга ошириладиган процессуал ҳатти-ҳаракатлари ҳамда расмийлаштириладиган хужжатлар ва маъмурий хуқуқбузарлик түғрисидаги ишларни юритишларни таъминлаш чораларини қўллашда қилинадиган ишларнинг муҳим амалий жиҳатлари билан бирга уибу соҳадаги маъмурий хуқуқбузарлик түғрисидаги ишларни юритишга доир илгор хориж тажрибасини ҳам ёрттишига ҳаракат қилган.

Annotation: This scientific article is devoted to the activity of conducting proceedings on administrative offenses. The author has advanced foreign experience in the field of administrative offenses as well as procedural actions in the field of administrative offenses, as well as important practical aspects of the application of documents and measures to ensure the proceedings on administrative offenses.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда маъмурий хуқуқбузарлик түғрисидаги ишларни юритишни такомиллаштиришда қатнашувчи шахсларнинг хуқуқий холатини қонунда белгилаш борасида кенг қамровли ислохотлар амалга оширилиб, бу борадаги ишларни самарали ташкил этиш бўйича ҳар бир Ички ишлар органлари ходимларига, айникса, профилактика инспекторларига улкан вазифалар қўйилмоқда.

Ўтган йиллар давомида маъмурий хуқуқбузарлик түғрисидаги ишларни юритишда қатнашувчи шахсларнинг хуқуқий холатини тартибга солувчи қонун нормалари қабул қилиниб, уларнинг талаблари жамият хаётига татбиқ этиб келинмоқда.

Профилактика инспекторларининг маъмурий хуқуқбузарлик түғрисидаги ишларни юритиш фаолияти доир қонун нормаларини такомиллаштириш уларни қўллаш амалиётидаги мавжуд муаммоларни аниқлаш ва бартараф қилиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир. Ҳукуқ назариясига кўра ҳар қандай юридик жавобгарликнинг асосини қонунга хилоф, айбли қилмиш (харакат ёки харакатсизлик), яъний ҳуқуқбузарлик ташкил этади. Ҳукуқбузарликлар ўзининг мазмуни, юридик хусусиятлари ва таркибига эга бўлиб, турли қонун хужжатлари билан тартибга солинади.



Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 10-моддасига биноан, Маъмурий хукуқбузарлик деганда қонун хужжатларига биноан маъмурий жавобгарликка тортиш назарда тутилган шахсга фуқароларнинг хукуқлари ва эркинликлари, мулкчиликка, давлат ва жаиоат тартибига, табиий муҳитга тажовуз қилувчи ғайрихуқуқий, айбли, (қасдан ёки эхтийётсизлик орқасида) содир этилган ҳаракат ёки ҳараакатсизлик тушунилади.

Давлат бошқаруви соҳасидаги содир этиладиган ва қўп учрайдиган хукуқбузарлик кўринишларидан бири - бу маъмурий хукуқбузарликдир. Маъмурий хукуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишида - маъмурий процесснинг турига мансуб бўлганлиги учун аввало маъмурий процесс билан боғлаб ўтиш мақсадга мувофиқ. Маъмурий процесс бошқарув фаолиятининг муайян бир тури, хукуқий усули бўлиб, маъмурий процессуал нормалар билан тартибга солинади. Бошқарув фаолияти мазмунининг хилма-хиллиги ўз навбатида, маъмурий процесснинг хам турли туманлигига сабаб бўлади. Маълумки, жарима солиш, харбий хизматга чақириш ва шикоятларни кўриб чиқиши тартиби бир-биридан моддий фарқ қиласи. Шунинг учун хам процессуал фаолиятнинг ва маъмурий иш юритиши маъмурий процесснинг алоҳида бир туридир.

Маъмурий хукуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиши деганда - хукуқбузарликни аниқлаш қонунда белгиланган маъмурий хукуқбузарликни олдини олиш чораларини қўллаш маъмурий хукуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиши ва мазкур иш бўйича маъмурий жазо бериш тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиши ва мазкур иш бўйича маъмурий жазо бериш тўғрисидаги қарор чиқаришга ваколатли бўлган органлар (мансабдор шахслар) томонидан амалга ошириладиган процессуал ҳаракатлар йиғиндиси тушунилади.

Маъмурий хукуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишида - маъмурий процесснинг турига мансуб бўлганлиги учун аввало маъмурий процесс билан боғлаб ўтиш мақсадга мувофиқ. Маъмурий процесс бошқарув фаолиятининг муайян бир тури, хукуқий усули бўлиб, маъмурий процессуал нормалар билан тартибга солинади. Бошқарув фаолияти мазмунининг хилма-хиллиги ўз навбатида, маъмурий процесснинг хам турли туманлигига сабаб бўлади. Маълумки, жарима солиш, харбий хизматга чақириш ва шикоятларни кўриб чиқиши тартиби бир-биридан моддий фарқ қиласи. Шунинг учун хам процессуал фаолиятнинг ва маъмурий иш юритиши маъмурий процесснинг алоҳида бир туридир.

- Маъмурий хукуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиши деганда - хукуқбузарликни аниқлаш қонунда белгиланган маъмурий хукуқбузарликни олдини олиш чораларини қўллаш маъмурий хукуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиши ва мазкур иш бўйича маъмурий жазо бериш тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиши ва мазкур иш бўйича маъмурий жазо бериш тўғрисидаги қарор чиқаришга ваколатли бўлган органлар (мансабдор шахслар) томонидан амалга ошириладиган процессуал ҳаракатлар йиғиндиси тушунилади. Бугунги кунда қўп ҳолларда маъмурий йўл билан



ушлаб туриш тўрисида баённома камдан-кам ҳолларда тузилади, кўпинча ИИО навбатчилик қисмидаги ушлаб келтирилган шахслар китобига ёзиб қўйилади. Шу сабабли Ўзбекистон Республикаси МЖКнинг 286-моддасида маъмурий йўл билан ушлаб туриш” тушунчasi берилса ҳамда МЖтК қўйидаги мазмундаги 286-1-моддаси билан тўлдирилса мақсадга мувофиқ бўлар эди:

286-1-модда. Маъмурий йўл билан ушлаб туриш баённомаси.

Маъмурий йўл билан ушлаб турилганлик тўрисида баённома тузилади, унда шу баённома тузилган сана ва жой, баённомани тузган шахснинг лавозими, фамилияси, исми, отасининг исми, маъмурий йўл билан ушлаб турилган шахс тўрисида маълумотлар, ушлаб турилган вақти, жойи, сабаблари кўрсатилади.

Баённома уни тузган шахс ва маъмурий йўл билан ушлаб турилган шахс томонидан имзоланади. Маъмурий йўл билан ушлаб турилган шахс баённомани имзолашдан бош тортган тақдирда, баённомага бу ҳақда ёзиб қўйилади”.

Маълумки, ички ишлар органлари маъмурий юрисдикцион ваколатлари ҳажмининг кенглиги билан бошқа органлар тизимида алоҳида ўринга эга. Ички ишлар органлари тизимида профилактика инспекторлари ҳамда бошқа иш юритишга ваколатли мансабдор шахсларига бошқа маъмурий юрисдикция ваколатига эга мансабдор шахслар қаторида кенг ваколатлар берилган.

Маъмурий амалиёт соҳасидаги ҳисбот ва таҳлилий ишларнинг аҳволини яхшилаш, илор тажрибани аниқлаш, умумлаштириш ва оммалаштириш ана шу мақсадга эришишларнинг муҳим воситаларидир.

Бизнингча, Ўзбекистон Республикасининг янги Маъмурий-процессуал кодекси лойиҳасига қўйидаги таклифлар ва фикр-мулоҳазалар билдирилади.

Маъмурий чораларни қўллаш амалиётини такомиллаштиришларнинг асосий йўналишларидан яна бири ички ишлар органларнинг ушбу соҳадаги фаолиятини қонун ва идоравий норматив хужжатлар билан бошқаришларни янада ривожлантиришдан иборат. Маъмурий-хуқуқий чораларни қўллашда юзага келадиган муносабатларни ҳар томонлама тартибига соладиган ягона қонун хужжатининг қабул қилиниши бу борадаги ишларнинг мувоффакияти учун зарур ҳуқуқий асос бўлар эди.

Ўтказилган тадқиқот натижаларига асосланган ҳолда профилактика инспекторларининг маъмурий хуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш фаолияти соҳасидаги муаммолар ўрганилди. Улар қўйидагилар:

- Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2017 йил 12 июлдаги “Ички ишлар органларининг хуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳакида”ги буйруғининг “Хуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмаларининг маъмурий амалиёт фаолияти” деб номланган еттинчи параграфининг 62-106 бандларида профилактика хизматларининг маъмурий хуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш фаолиятини ташкил этиш тартиби ва асослари белгиланган. Бироқ ушбу низомда



белгиланган қоидалар МЖтКнинг тегишли моддаларида назарда тутилган бўлиб, низомда эса қоидаларни амалда ташкил этиш тартиби ва шартлари белгилаб берилиши лозим. Ушбу муаммо сўровда иштирок этганларнинг 72 фоизи томонидан тасдиқланган.

• Ўзбекистон Республикасининг МЖтКнинг 271-моддасида “Маъмурий хукуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишларни истисно этувчи ҳолатлар” қаторига маъмурий хукуқбузарлик тўғрисидаги иш кўриб чиқилаётган шахс томонидан жиноят содир этилиши оқибатида унга нисбатан жиноий жазо чораси қўлланилган тақдирда маъмурий жавобгарликни бекор қилиш тўғрисида қоидани белгилаш белгилаш зарурати мавжуд. Ушбу муаммо сўровда иштирок этганларнинг 68 фоизи томонидан тасдиқланган.

Профилактика инспекторларининг маъмурий хукуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш фаолиятини белгилаб берувчи нормаларда мавжуд хукукий бўшлиқни бартараф этишга қаратилган таклифлар:

• Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг “Хукуқбузарликлар профилактикаси хизмати томонидан маъмурий хукуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш тартибини” белгилаб берувчи алоҳида буйруқни қабул қилиш керак. Ушбу буйруқ билан хукуқбузарликлар профилактикаси хизмати томонидан маъмурий хукуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритишларни ташкил этиш тартиби ва асослари белгиланиши лозим. Мазкур буйруқнинг тузилиши қўйидагиларни қамраб олган бўлиши лозим:

1-§. Умумий қоидалар

2-§. Маъмурий хукуқбузарликлар тўғрисидаги ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби

3-§. Маъмурий хукуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш босқичлари

3-§. Маъмурий йўл билан ушлаб туриш, ашёларни кўздан кечириш ва олиб қўйиш тартиби

4-§. Маъмурий хукуқбузарликларни расмийлаштириш билан боғлик ҳужжатларни тайёрлаш, тарқатиш ва хизматда фойдаланиш тартиби

5-§. Якуний қоидалар.

Ушбу таклиф сўровда иштирок этганларнинг 82 фоизи томонидан маъқулланди.

2.Ўзбекистон Республикасининг МЖтКнинг 271-моддасини қўйидагича 12 банд билан тўлдириш таклиф этилади:

Ўзбекистон Республикасининг МЖтКнинг 271-моддасида “Маъмурий хукуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишларни истисно этувчи ҳолатлар” қаторига маъмурий хукуқбузарлик тўғрисидаги иш кўриб чиқилаётган шахс томонидан жиноят содир этилиши оқибатида унга нисбатан жиноий жазо чораси қўлланилган тақдирда маъмурий жавобгарликни бекор қилиш тўғрисида қоидани белгилаш таклиф этилади.



271-модда. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишиларни истисно этувчи ҳолатлар

1-қисм: Қуйидаги ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишиларни бошлаш мумкин эмас, бошланган иш эса тугатилиши лозим:

12) маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш қўриб чиқилаётган шахс томонидан жиноят содир этилиши оқибатида унга нисбатан жиноий жазо чораси қўлланилган тақдирда маъмурий жавобгарликни тугатилади.

Ушбу таклиф сўровда иштирок этганларнинг 65 фойзи томонидан маъқулланди.

3. Профилактика (катта) инспектори томонидан маъмурий маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш фаолиятини самарадорлигини ошириш бўйича қуйидаги таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди:

- Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахсни маҳалла ҳуқуқтартибот маскани ёки ички ишлар органида ушлаб туриш жараёнида вужудга келадиган муаммоларни сабаб ва шароитларини ўрганиш, уларни бартараф этиш бўйича тегишли чораларни ишлаб чиқиши. Мисол, учун, таржимон хизматларидан фойдаланиш, маст ҳолда келтирилган ҳуқуқбузарни ўзига келтириш ва бошқалар.

- Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахсга нисбатан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома, маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахснинг тушунтиришлари, жабрланувчи, гувоҳларнинг кўрсатмалари, эксперт хulosаси, ашъёвий далиллар, шахсни кўрикдан ўтказиш ва ашъёларни кўздан кечириш, ашъё ва хужжатларни олиб қўйиш юзасидан тузилган баённома, шунингдек бошқа материаллар асосида ишларни тўлиқ ва сифатли тамомлашга эришиш лозим. Чунки, мауйян вақтларда маъмурий йўл билан тегишли хужжатлар тўлиқ расмийлаштирилмаганлиги сабабли суд ишларни қўриб чиқмайди.

- Профилактика хизматчиларининг маъмурий маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш бўйича хорижий мамлакатларнинг бу соҳадаги илғор тажрибаларини амалиётга жорий этиш ва ушбу фаолиятни такомиллаштиришга қаратилган ўкув методик ва амалий қўлланмаларни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

- Маъмурий йўл билан ушлаб туриш уч соатдан ошмаслиги лозим. Ҳуқуқбузарнинг шахсини ва ҳуқуқбузарлик ҳолатларини аниқлаш учун зарур бўлган ҳолларда эса, ушланган вақтдан бошлаб 24 (йигирма тўрт) соат ичida, прокурорга ёзма тартибда маълум қилиб, уч суткагача ёки ҳуқуқбузарга ўзининг тасдиқловчи хужжати бўлмаса, прокурорнинг санкцияси билан 10 (ўн) суткагача муддатга ушлаб туриши мумкин. Ушбу муддат давомида ушлаб турилган шахснинг шахсини аниқлаш имкони бўлмаса ёки ушбу соҳада амалга оширилган ишлар ўз якунига етмаган бўлса унинг муддатини узайтириш талаб этилади.



International scientific-online conference: INTELLECTUAL EDUCATION TECHNOLOGICAL SOLUTIONS AND INNOVATIVE DIGITAL TOOLS



- Маъмурий йўл билан ушлаб турилган фуқаро имкони бўлса психологик хизматдан фойдаланиш мақсадга мувофвиқ. Чунки, хориж тажрибасига шундай усул мавжуд.